

Qishloq hayoti

2012 йил Мусмаҳкам оила ўли

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 7-IYUN, PAYSHANBA, 67 (7992) - SON

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.



ЁҒОЧГА ТИЛ БАҒИШЛАБ...

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2010 йил 30 март куни қабул қилинган "Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармони мамлакатимиз хунармандларининг самарали фаолият юритишида муҳим омил бўлмоқда.

Фарғона вилоятида ушбу ҳужжат ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар натижасида миллий хунармандчилигимизга қизиқувчи ёшлар сафи кен-

гайиб бораётир. Уларга соҳа сир-асрорлари пухта ўргатишга Фурқат туманида яшовчи таниқли уста Мухаммадали Юнусов ҳам муносиб ҳисса қўшаётир.

Ўзбекистон халқ устаси, Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси Мухаммадали Юнусов қирқ йилдан буён ёғоч уймакорлиги билан шуғулланади. Уста болаликдан бобомерос хунарни ўрганиб, йиллар давомида ўзига хос мактаб яратди. Унинг ёғоқ, чинор, қайрағоч ва теракка ишлов бериб ясаган йигирмадан ортиқ турдаги наққошлик буюмлари санъат асари даражасида баҳоланади.

Самарқанддаги Имом Бухорий маж-

муаси, Тошкент шаҳридаги Халқ амалий санъати галереяси, Ҳазрат Имом масжиди каби кўлаб иншоотларга безак бериш ишларида фаол иштирок этган М.Юнусов "Устоз-шогирд" аъна-си асосида олтимишга яқин ёшларга наққошлик сир-асрорларини ўргатиб келмоқда.

СУРАТДА: уста Мухаммадали Юнусов шогирди Сарвар Тоштемиров билан.

Муқимжон ҚОДИРОВ
(ЎзА) олган сурат.

САҲИФАЛАРДА:



ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

2



ОИЛА — МУҚАДДАС ҚЎРҒОН

5



ҲАР ҚИТЪА НОМИНИНГ ТАРИХИ БОР

8

ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҚЎШМА ДЕКЛАРАЦИЯНИ ИМЗОЛАДИ

Пекин, 6 июнь. ЎЗА махсус мухбири
Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан расмий ташриф билан Хитойга келди.

Ташрифнинг иккинчи куни Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши саройида давлатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросими билан бошланди, шундан сўнг Ислон Каримов ва Ху Цзиньтао раҳбарлигида икки мамлакат делегациялари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари икки ва кўп томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Учрашув якунида Ислон Каримов ва Ху Цзиньтао Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар. Шунингдек, техникавий-иқтисодий ҳамкорлик, ветеринария, карантин ва ўсимликларни химоя қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар, икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2012-2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Президенти ХХР Давлат кенгаши Раиси Вэнь Цзябао, Давлат кенгаши Раисининг ўринбосари Ли Кэцань билан ҳам учрашди.

Куннинг иккинчи ярмида Пекин шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг ўн иккинчи мажлиси бошланди. Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси давлат раҳбарлари иштирокида тор доирадаги учрашув бўлиб ўтди. Унда ШХТ олдида турган долзарб вазифаларни ҳал қилиш борасида ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар самарадорлигини оширишга қаратилган масалалар муҳокама қилинди.

ШХТ Саммити 7 июнь куни ўз ишини давом эттиради.

ЎЗА



ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ:

ҚУЛАЙ, ХАВФСИЗ, ТЕЗКОР

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Тошкент метрополитени инфратузилмасини янада такомиллаштириш, йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.



“Тошкент метрополитени” давлат унитар корхонаси томонидан ташкил этилган тадбирда ушбу идоранинг раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, Президентимиз Ислон Каримовнинг 2006 йил 11 январда қабул қилинган “Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони метрополитен фаолиятини яхшилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Пойтахт метроси — қулай, хавфсиз, тезкор транспорт тури. Шу боис, кўпчилик ундан фойдаланишни афзал билишади. Бунинг тадбирида айтиб ўтилган қуйидаги рақамларда

ҳам кўриш мумкин: мазкур ер ости транспорти ҳар куни 180-200 минг нафар йўловчига хизмат кўрсатмоқда. Шу йилнинг беш ойида 24 миллиондан зиёд йўловчи ушбу транспорт хизматидан фойдаланган.

Йиғилишда амалга оширилаётган катта бунёдкорлик ишлари ҳусусида ҳам маълумот берилди. Хусусан, ўтган беш ойда Маҳаллийлаштириш дастури асосида 49 номдаги эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилди.

Шунингдек, “Тошкент метрополитени” давлат унитар корхонаси мутахассислари таъкидлаб ўтишдики, йўловчиларни ташиш хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг хушёрлигини ошириш мақса-

дида платформага тушишда ўрнатилган ёриткичли кўрсаткичлар ва вагонларда оғоҳликка чақирувчи шiorлар жойлаштирилган.

Метрополитенда ички видеокузатув камералари ва мониторингларни ўрнатиш ишлари тўлиқ нийҳоясига етказилди. Натижада бекатларнинг ҳамма томони, жумладан, платформа ва вестибюллар метрополитен ходимлари томонидан доимий назорат қилинмоқда.

Йўловчиларга қулайликлар яратиш борасида ҳам қатор ишлар қилинмоқда. Хусусан, жетон олиш учун узок вақт навбат кутишнинг олдини олиш мақсадида жетон сотаётган кассалар вестибюлдан бекатларнинг пидедалар ўтиш жойига кўчирилди. Уларнинг кўпчилиги нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш учун терминаллар билан жиҳозланди. Яқин вақт ичида эса метрополитенда йўл ҳақини тўлаш янада қулай бўлишига қаратилган янгиликлар жорий этилади.

Метрополитен тармоғида кадрлар билан ишлаш, уларнинг малакасини ошириш мақсадида ҳам кенг қўламли ишлар олиб борилаётди. Шунингдек, устоз-шогирд тамойилига амал қилинган ҳолда коллеж битирувчиларини ишга қабул қилиш, касб сирларини ўргатишга ҳам катта эътибор қаратилган. Бу йил касб-хунар коллежлари битирувчиларидан 60 нафарини ишга қабул қилиш режалаштирилган.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Аҳмадjon РИХСИБОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Қашқагарё Вилояти

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

“Қарширадиатор” Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасининг фаолият бошлаганига ўн беш йил бўлди. Шу давр ичида корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури тўрттадан юзгага етди. Сифат жиҳатидан ҳам юқори натижаларга эришилди.

Дастлабки фаолият даврида корхонада радиаторлар фақатгина таъмирланиб, атиги ўн нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилган бўлса, эндиликда бу ерда ишлаётган ходимлар сони 50 нафардан ошди.

— Корхонамиз маҳаллийлаштириш дастури бўйича иш олиб бормоқда, — дейди қўшма корхона бош директори Раим Қодиров. — Давлатимиз томонидан яратиб берилган кенг имкониятлар, жумладан, солиқ соҳасидаги имтиёз ва қулайликлар фаолият қўламини кенгайтириб, ишлаб чиқариш ҳажми орттиришга омил бўлмоқда.

Олдинлари фақатгина қишлоқ хўжалик корхоналари эҳтиёжлари бўйича иш бажарилган корхонада ҳозирги вақтда Навоий тоғ-кон комбинати, Тошкент трактор заводи, Тошкент йўловчиларни ташиш автокорхоналаридан тушган буюртмалар ҳам сифатли тарзда адо этиляпти.

Биргина ўтган йилда корхонада барча турдаги техникалар учун 1200 донна радиа-

тор ишлаб чиқарилиб, бир миллион сўмликдан ортиқ иш бажарилди. Жорий йилда эса бу ерда 1500 донна радиатор ишлаб чиқариш режалаштирилган бўлиб, ўтган беш ой мобайнида 400 донна маҳсулот тайёрланди.

— Корхона ташкил этилгандан буён шу ерда ишлайман, — дейди ишлаб чиқариш цехи ишчиси Ҳасан Ҳазраткулов. —

Унумли меҳнат қилишимиз учун бизга барча шарт-шароитлар етарли. “Устоз-шогирд” аъёнаси ишимизда қўл келаяпти. Ўтган йили икки нафар касб-хунар коллежи битирувчисига касб сирларини ўргатдим. Бунинг эвазига ҳам устоз сифатида ўзимга издош мутахассислар етиштирдим, ҳам корхона раҳбарияти томонидан мукофотландим.



— Бешкент қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежини таъмонлаб, бу ерда иш бошладим, — дейди ишчи Боймурод Боқиев. — Устозларимиз Ҳасан Ҳазраткулов, Фарҳод Шерназаровларнинг беғараз ёрдамлари эвазига қисқа муддат ичида соҳа сирларини қўл билан ўрганиб олдим.

Корхонада Бунёд Ҳасанов, Уйғун Жўраев, Умид Жўраев каби ишчилар ҳам ўз ишларини сифатли бажаришиб, ҳамкасбларига намуна бўлмоқдалар. Ишга бўлган масъулият, аҳиллик ва ушқоқлик билан қилинаётган меҳнат ўзининг ижобий самараларини берапти. Эндиликда бу ерда “Кейс”, “Класс Доминатор” комбайнлари, оғир юк ташув-

чи автомашиналар, ҳайдов, чопиқ ва ташув тракторлари учун ҳам радиаторлар ишлаб чиқариляпти.

Корхонада импорт ўрнини босувчи бу маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёни ISO: 9001 халқаро сифат менежменти тизими асосида олиб боришмоқда.

Истиқболда маҳсулот турини янада кўпайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, пировардида янги иш ўринлари яратиш режалари бор. Бу эса корхона фаолиятининг янада такомиллашуви-га хизмат қилади.

Хусан ТЕМИРОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.
Жамшид НОҚОБИЛОВ
(ЎЗА) олган суратлар.

АРМИЯ МАКТАБИДА – ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ САРИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ САФИДА МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАБ БЎЛГАН ФУҚАРОЛАРГА ИМТИЁЗЛАР ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИНИ ЎҚИБ

Эр йигит Ватан учун туғилди, деган пурмаёно гап бор халқимизда. Ота-боболаримиз азалдан фарзанд тарбиясига айлани шу тамойил асосида ёндашган. Ўғил болани ёшли-гиданок мард ва жасур, оила посбони, Ватан ҳимоячиси бўлишга ўргатган. Она юртини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ўзбек ўғлони учун ота-боболаридан мерос энг муқаддас ва шарафли фазилатдир.

Бугун миллий армиямиз сафларида ана шундай мард ва жасур, ҳар томонлама чиққан йигитлар хизмат қилмоқда. Ота-боболарнинг эзгу қадриятларига содиқ бўлган ёшлар мустақил Ўзбекистонимиз осмонининг мусаффолиги, Ватанимиз сарҳадларининг дахлсизлиги, хонадонларимиз тинчлигининг ишончли қафолатидир. Бугун муддатли ҳарбий хизмат ёшларимиз учун нафақат ўз бурчини адо этиш, айти пайтда жисмоний ва интеллектуал салоҳиятини оширишда ҳам катта мактаб вази-фасини ўтамоқда.

Яқинда мамлакатимиз Қу-ролли Кучларининг йигирма йиллигини кенг нишонладик. Президентимиз таъкидлагани-дек, мустақиллик йилларида мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, унинг сарҳад-лари дахлсизлигини таъмин-лаш бўйича тактик ва страте-гик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир бўлган, замона-вий, ҳаракатчан, ҳар томонла-ма яхши қўролланган миллий армиямиз барпо этилди. Бу, аввало, мустақиллигининг даст-лабки кунларидан жамиятда ҳарбий хизматнинг нуфузини ошириш, Қурулди Кучларимиз сафига билимли, ватанпарвар, жисмонан чиққан ва юксак маънавиятли ёшларни қабул қилиш йўлидаги изчил ислох-лотлар самарасидир.

Миллий армиямизни ислох қилишда ҳарбий хизматнинг ёшлар ўртасидаги нуфузини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганида ул-кан мақсад ва маъно мўжас-сам, албатта. Собiq иттифоқ даврида ўзбек йигитлари ҳар-бий хизматни ўташ учун узoқ ўқлашга жўнатилгани, у ер-лардаги оғир вазият, камсити-лиш ва қийинчиликлардан фар-зандлар ҳам, ота-оналар ҳам за-да бўлгани ҳали кўпчилик-нинг ёдиди. Уша пайтда ота-оналар фарзандини армиядан олиб қолиш учун ҳамма нар-сага тайёр эди.

Бугун эса вазият бутунлай бошқача. Жорий йил январь ойида давлатимиз раҳбарининг ёшларнинг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги қаққури-ва ҳақидаги қарори эълон қилин-ди. Ҳарбий хизматга бориш ёшдаги деярли барча йигит-лар шу кундан тайёргарлики-ни янада оширишга қарайди. Ота-оналар эса фарзанди белгилан-ган синовлардан муваффақият-ли ўтиши учун барча шароит-ни яратиб ҳаракатига тушди. Бунинг сабаби – миллий ар-миямиз сафларида йигитлик бурчини ўташ, шу орқали ота-наси орзу қилгандек фарзанд бўлиш, ўзининг эзгу мақсад-ларига эришишдир.

Истиқлол туфайли йигитла-



римиз ўз Ватанида, ўзимизнинг миллий армиямизда хизмат қилмоқда. Улар Қурулди Куч-ларимиз сафига қулай шарт-шароитда хизмат вази-фасини ўташ билан бирга, юксак жи-смоний, ақлий ва интеллекту-ал салоҳиятни эгалламоқда. Му-ддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшларимиз олий ўқув юртларига ўқишга кириш, ишга жойлашишда кўплаб им-тиёзларга эга бўлмоқда. Ҳар-бий хизматчиларни уй-жой би-лан таъминлаш, ижтимоий-ма-иший, яшаш ва хизмат шаро-итини яхшилашга қаратилган давлат дастурлари изчил амал-га оширилаётгани ҳарбийлик ҳаётини, одамларнинг ҳарбий хизмат ҳақидаги тасаввурлари-ни бутунлай ўзгартирди.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан му-ддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисм қўмондонли-гининг тегишли тавсияномаси-ни олган фуқароларга мамла-катимиз олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовлар-ида тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқ-дориди имтиёзли балл бериш тизими ҳорий этилган эди. Бу имтиёз ёшларимиз ўртасида ҳарбий хизмат нуфузини яна-да юксалтиришда, ҳарбий хиз-мат давомидида пухта билим ва тайёргарликини эгаллашда улар учун қўли рағбатланти-рувчи омил бўлди.

Ўтган йилларда юзлаб ёшларимиз ана шу имконият-дан фойдаланиб, ўзи танлаган соҳа бўйича олий ўқув юртла-рида тахсил олди. Яна бир му-ҳим жиҳати, бу имтиёз билан талабалikka эришган кўплаб ёшлар ўқишда ҳам, жамоат ишларида ҳам тенгдошларига ўрناк бўлмоқда.

– Му-ддатли ҳарбий хизмат-ни ўташ асносида қўмондон-лик тавсияномасига сазовор бўлдим, – дейди Тошкент дав-лат техника университети та-лабаси, бекободлик Зикрилла Махмудов. – Берилган имтиёз туфайли ўтган йили энг катта орузимга эришдим – талаба-ликка қабул қилиндим. «Қамо-лот» ёшлар ижтимоий ҳарака-ти томонидан тўлов-контракт суммасининг 35 фоизи тўлаб берилаётгани ана бир моддий ёрдам бўлмоқда. Берилган бундай имтиёз ва имкониятлар-га жавобан чуқур билим олиш-га ва танлаган касбини пухта

эгаллашга ҳаракат қилияман.

Ҳа, рағбат изланишга, фа-олликка ундайди, ёшларда элу юрт тақдирига дахлдорлик туй-ғусини кучайтиради. Зотан, ёшларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаш мамлакатим-из таълим тизимининг ҳам устувор йўналишларидандир. Бу юртимизда барча жаҳада-ги ислохотлар изчил ва узвий эканлигининг амалдаги яна бир ифодасидир.

Президентимизнинг 2012 йил 31 май куни қабул қилин-ган «Ўзбекистон Республика-си Қурулди Кучлари сафига му-ддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга им-тиёзлар тизимини такомил-лаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ёшларимиз учун яна бир муносиб туҳфа бўлди. Қурулди Кучларимиз қисмла-ри ва бўлималарида му-ддат-ли ҳарбий хизматни намунали ўтаб, олий ўқув юртларига ки-риш учун тавсияномага эга бўлган ёшларга берилаётган имтиёзларнинг рағбатланти-рувчи омиллари сезиларли да-ражада кучайтирилди.

Эндиликда Қурулди Кучларимиз сафига му-ддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасига эга бўлган фуқаролар барча йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича бакалаврлар тайёрлашда мамлакатимиздаги барча олий таълим муассасаларига киришда тўплаш мум-кин бўлган максимал баллнинг 27 фоизи миқдориди қўшимча баллга эга бўлади.

Яна бир имконият. Агар абитуриент ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияно-маси асосида имтиёзлар бўйи-ча белгиланган қўшимча бал-ларни ҳисобга олган ҳолда танловдан ўта олмаган тақдир-да, мамлакатимизнинг бошқа олий ўқув юртига қабул қилиш тўғрисида ариза топшириши мумкин. Бунда абитуриент тан-лаган бошқа олий ўқув юрт-ларига қабул қилиш тасдиқ-ланган умумий қабул квотаси

доирасида, имтиёзлар бўйича белгиланган қўшимча баллни ҳисобга олган ҳолда, фанлар бўйича топширилган тест си-новлари фанлар тўплами (бло-ки) ва абитуриент томонидан тўпланган балларга мувофиқ, Таълим йўналишлари бўйича давлат комиссиясининг қаро-рига биноан амалга оширила-ди. Бундай аризалар тест си-новлари тугагандан кейин 10 кун мобайнида Таълим муас-сасаларига қабул қилиш бўйи-ча давлат комиссияси томони-дан қўриб қилади.

Давлатимиз раҳбарининг қарориди тавсияномалар жан-говар ва маънавий-маърифий тайёргарликда юқори натижа-ларга, зарур билим даражаси-га эга бўлган муносиб номзод-ларгагина берилиши таъкид-ланган. Бу ҳам, ўз навбатида, ёшларимизнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ҳар-бий хизматни ўташ чоғида со-ғлом рақобат муҳитини шакл-лантириш, миллий армиямиз сафларини жисмонан бақувват, маънавий етук ёшлар билан тўлдирishга хизмат қилади.

Пойтахтимизнинг Олмазор туманида яшовчи Даврон Мир-зақуллов яқинда ҳарбий хизмат-дан қайтиб келди. Давроннинг ота-онаси ўғлининг ҳарбийдан янада соғлом ва тетик бўлиб қайтгани, анча улғайиб, қадди-қомати келишган йигитга айлан-ганига бир хурсанд бўлса, унинг ҳарбий қисм қўмондонлиги тав-сияномасига сазовор бўлгани-ни қўриб, янада қувонди.

– Армияда аскарлар учун шундай юксак шарт-шароит яратиб берилишини тасаввур ҳам қилмаган эдим, – дейди Д.Мирзақуллов. – Ҳамма нарсаси муҳайё қилинган: тоза кийим-бош, тўйимли овқат, тоза-озо-да ётоқ жой... Энг муҳими, жисмоний чиққишимиз учун замонавий спорт анжумалари билан жиҳозланган хоналар, бой китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази ҳарбийлар ихтиёрида. Армияда қўли так-тик тайёргарликдан ўтди, ҳар-бий машқларни пухта ўзлаш-тирдик. Кўп тенгдошларим ҳарбийлик касбига қизиқиб қолди. Мен ҳам шу йил Тош-кент ахборот технологиялари университети-нинг махсус фа-культетига ҳужжатларимни топ-ширмоқчиман.

Армия хизмати бугун том маънода мардлик ва матонат

фазилатларини тарбиялаш, Ва-танга садоқат билан хизмат қилиш мактабига айланмоқда. Ана шу мактабни ўтаган ёшларимиз бугун нафақат миллий олий ўқув юртларида, балки мамлакатимиздаги халқаро таълим муассасаларида ҳам тахсил олмақда.

Яқинда Тошкент Халқаро Вестминстер университети ана шундай ёшларни моддий ва маънавий рағбатлантиришни янада кучайтириш, уларнинг ушбу университетда таълим олиш имкониятларини кенгай-тириш мақсадида ўқишга ки-ришда имтиёзлар берилиши-ни маълум қилди. Универси-тет томонидан мамлакатимиз Қурулди Кучлари сафига му-ддатли ҳарбий хизматни ўтаган йигитлар бепул таълим олиш учун қўшимча бешта грант ўрни ажратилди.

Буларнинг барчаси Ватан ҳимоячиси бўлиш ёшларимиз ўртасида шарафли ва масъу-лятли вазифага, ҳақиқий шон-шараф ишига айланиб бораёт-ганининг яққол ифодасидир.

Жорий йил февраль-март ой-ларида мамлакатимизда бўлиб ўтган му-ддатли ҳарбий хизматга қаққурав жараёни оммавий ахборот воситаларида, интернет сайтларида кенг ёритилди. Ин-теллектуал ва жисмоний сино-влардан, тиббий қўриқдан муваф-фақиятли ўтиб, му-ддатли ҳар-бий хизматга бориш шарафига мўяссар бўлган ёшларнинг қувончи матбуот саҳифаларидан ўрин олди, телевидение орқа-ли намойиш этилди.

Уша пайтларда интернет нашрларида минтақамиздаги мамлакатлардан бирида ҳарбий хизматга қаққурав жараёнида юзага келаётган муаммолар, ёшларнинг армиядан қочишга, ҳарбий хизматдан бўйин то-влашга уринишлари ҳақидаги хабарлар тарқалди. Маълумот-ларга қўра, бунинг асосий са-баби армиядаги носоғлом му-ҳит, аянчли шарт-шароит экан. Армияда таъминотнинг пастли-ги, турли тўс-тўполонлар ёш-ларни ҳарбий хизматдан без-дириб қўйган экан.

Энг аянчлиси, ушбу мамла-катда ҳарбийлар сафини зўра-вонлик билан тўлдирishга ури-ниш авж олмақда экан. Ёшлар ҳуқуқ-тартибот органлари хо-димлари томонидан қўча-қўйда тўтиб олиниб, ҳарбий хизматга мажбуран жўнати-лмоқда экан. Интернет сайтлар-дан бирининг ёзишича, бун-дай ҳолат яқинда аянчли бир фожеага сабаб бўлган. Бир йигит армияга боришдан қўриқиб, ўзини учинчи қават деразасидан ташлаган. Оқи-батда наққорон йигит бир умр-га ноғирон бўлиб қолган...

...Тинчлик – энг буюк неъмат. Дунёда глобаллашув жа-раёни шиддатли туш олаёт-ган бир пайтда унинг қадри, аҳамияти янада ортмоқда. Мил-лий армиямиз сафларида ана шундай ҳавфо хатарга қарши тура оладиган, қўли тактик тайёргарликка эга, билимли, юксак салоҳиятли ёшларимиз хизмат қилар экан, юртимиз-да тинчлик ва хотиржамлик бар-давом бўлиши шубҳасиз.

Хусниддин БЕРДИЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

Қорақалпоғистон Республикаси



ДЕХҚОН БОЗОРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИ

Шуманай тумани марказида “Нукуссаноаттехмонтаж” масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан янги бозор биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. “Деҳқон бозори”да сотувчи ва харидорлар учун барча шароитлар яратилган. 230 ўринли ёпиқ бозор биноси атрофидаги 44 та савдо шохбчаси ҳам реконструкция қилинди.

— “Агробанк”дан олинган 300 миллион сўм кредит эвазига қури-лиш ишлари олиб борилди, — дейди “Шуманай деҳқон бозори”

масъулияти чекланган жамияти раиси Жарилкап Холмуратов. — Ўтган йилнинг март ойида бошланган қурилиш ишлари сифатли амалга оширилди. Қисқа вақт ичида замонавий кўринишдаги бозор биноси қад ростлаб, аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

— Мазкур “Деҳқон бозори” биноси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги “Қорақалпоғистон Республикасининг Шуманай тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида қурилиб, фойдаланишга топширилди, — дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Султан Турсинов. — Мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан туманимизда кўплаб ижтимоий-مائий хизмат кўрсатиш объеклари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Жорий йилнинг ўзига яна 2,3 миллиард сўмлик банк кредитлари ҳисобидан 47 та лойиҳани амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Янги қурилган бозорда туман деҳқонлари томонидан етиштирилган сабзавот, полиз маҳсулотларининг ярмаркаси ташкил этилди.

Давуд АБИУЛЛАЕВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАРИНИ ЁРИТИШДА ЖУРНАЛИСТ МАҲОРАТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати томонидан шу мавзуда Парламент журналистлар клубининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди. Унда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузурида аккредитация қилинган оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламентининг 62-моддасига мувофиқ Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари жорий йилнинг 28 майдан 4 июнига қадар ўзлари сайланган сайлов округларида сайловчилар билан учрашиб қайтдилар. Мазкур учрашувлардаги мулоқотлар жараёнида сайловчиларга парламент фаолияти, қонун ижодкорлиги ва қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, муҳокама қилинаётган янги қонун лойиҳалари ҳусусида батафсил маълумот берилди.

Таъкидлаш жоизки, сайлов округларида депутатлар билан бир қаторда оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам иштирок этишиб, жараёнларни ҳолис ва ҳаққоний тарзда кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этиб бордилар. Телевидение, радио ва матбуот нашрларида махсус руқлар остида материаллар тайёрланди.

Йиғилишда интернет тармоғида сайловчилар билан учрашувнинг “Он-лайн” хизмати йўлга қўйилганлиги, Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайтида “Сайловчилар билан учрашув”, “Он-лайн қабулхона” каби интерактив мулоқот усуллари аналга оширилаётганлиги ҳам айтиб ўтилди.

Сиёсий жараёнларни кенг ёритиш, депутатлар фаолиятини чуқур таҳлил этган ҳолда аҳолига етказиш журналистлардан катта маҳорат, билим ва ўз ишига масъулиятни талаб этади. Шу боис, соҳада эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда айрим камчиликларнинг мавжудлиги, ҳусусан, депутатларнинг сайловчилар билан учрашувларини ёритишда тезкорликнинг етишмаслиги, материаллар фақат ахборот кўринишида эканлиги танқидий нуқтаи назардан муҳокама этилди.

Очиқ мулоқот кўринишида ўтган йиғилиш қизгин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Қун тартибидидаги масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Бухоро Вилояти

«САЛОМ, ЖАЙХУН ШАМОЛЛАРИ»

Кизилравот кишлоқ фуқаролар йиғини Бухоро вилояти Ромитан туманининг энг чекка ҳудуди ҳисобланади. Амударё бу ерларда ёйилиб, эшилиб, солланиб оқади. Бўтана тўлқинлар кирғоққа оҳиста бош уради, атрофда улғувор бир гувиллаш — дарё саси юракларга чексиз тугёнлар олиб киради...

— Ҳудудимизда 118 та оила истиқомат қилади, — дейди Кизилравот кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Қозимбой Абуев. — Улар Кизилкум саҳроси инжиқликларини писанд қилмай, халқ хўжалигининг турли соҳаларида ҳормай-толмай меҳнат қилишмоқда. Йиғин фаоллари ҳар бир оила ҳолидан хабардор. Кам таъминланган оилалар доимо диққат-эътиборда. Шунингдек, якка-ёлғиз қариялардан ҳам хабар олиб турибмиз. Наврўз, Хотира ва қадрлаш кунини зўр кўтаринчилик билан нишонладик. Байрамлар муносабати билан спорт мусобақалари, турли миллий ўйинлар ўтказилди, голибларга совға-саломлар улашилди.

“Кизилравот” ширкат хўжалиги қорақўлчиликка ихтисослашган. Нурмуҳаммад Қудабоев раҳбарлик қилаётган бу хўжаликда кўзилаштиш мавсуми муваффақиятли якунланди. Ҳозир ширкат хўжалигида 5377 та кўй-қўзи боқилмоқда. Ушбу мавсумда 2090 бош кўй қўзилади. Шундан 1002 та қўзи ўстиришга қолдирилди.

Илғор чўпон Райим Туркманбоев отарида 634 бош кўй

боқилади. Шулардан 464 таси қўзилади, 230 та соғлом қўзи парвариш қилинмоқда. Қадамбой Авезов турмуш ўртоғи Сафаргул Авезова билан 487 бош кўй боқишади. Жорий йилда улар 130 бош дурқун қўзини ўстиришга қолдиришди.

Албатта, Кизилкумдек саркаш саҳрода чўпонлик қилиш осон иш эмас. Қишда қаттиқ совуқ, баҳорнинг кўзочирмас қумбўронлари, саратонда қаттиқ жазирамани енгиш учун кишида метин ирода бўлиши

керак. Қадамбой ва Сафаргул мана неча йилдирки, ана шу қийинчиликларга мардонавор меҳнатлари билан ба қелиш-япти. Ширкат хўжалиги раҳбарлари уларга яхши меҳнат шароити яратиб бериш учун қўлларидан келган барча ишларни қилишяпти.

“Кизилкум” қўриқхонаси ҳудуди ташкил этилган пайтда 3958 гектар бўлган бўлса, ҳозирги кунда унинг ер майдони 10311 гектарга етди. Қўриқхона ҳудуддаги табиятан ўзига хос қум ва дарё бўйи



“Кизилравот” ширкат хўжалиги бош чорадори Тўймурод Серикбаев.



“Кизилкум” давлат қўриқхонаси раҳбари Мирзагали Қиличев.

ўрмонзорларини муҳофаза қилиш, мавжуд ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генетик фондни сақлаб қолиш, уларни тиклаш, ноёб ҳисобланган Бухоро бугўси (Хонгул)нинг яшаш жойларини қўриқлаш, улар бош сонини тиклаш, табиий жараёнлар кечилишини тадқиқ ва таҳлил этиш, табиат муҳофазаси илмий асосларини яратиш ҳамда экологик билимларни тарғиб қилишга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда бу ерда Бухоро бугўси, қобон, қийик, жайрон, тўлқи, шоқол, куён, бир вақтлар бутунлай йўқолиб кетган, деб ҳисобланган қорақўлоқлар мавжуд. Қўшлардан бургут, чўл бургути, Амударё қирғовуллари, каптарлар бор. Шу кеча-кундузда соҳил тўқайзорларида Амударё (жануб) булбуллари хониши авжига чиққан. Бу ноёб жониворлар ҳозир бола очми илнжида шундоқ сел бўлиб сайрашадики, эшитсангиз, мафтун бўлмай, иложингиз йўқ.

Қўриқхона раҳбари — Мирзагали Қиличев табиатнинг ҳақиқий шайдоси.

— Бир кун дарё соҳилига чиқмасам ёки тўқайларини кезмасам, ҳудди бир нарсамни йўқотгандек бўламан, — дейди у.

Қўриқхона бош нозир Мухтор Қиличев, тезкор нозирлар Нурлан Омаров, Марс Искандаров, нозирлар Меҳридин Йўлдошев, Элдўс Қиличевлар ҳам табиат ошувтаси.

Қўриқхонада жуда ноёб фондга эга бўлган табиат музейи қатор йиллардан бўён фаолият кўрсатмоқда. Ҳудуддаги мактаб ўқувчилари бу ерга тез-тез келиб туришади.

...Тепаликка кўтариламиз. Жайхун қиличдек қрқираб, кўзни қамаштиради. Зум ўтмай, қуёш юзини булутлар тўсади. Дарё қора-қўқимтир тус олади. Дарё томондан салқин шамол эсади. “Салом, Жайхун шамоллари!”

Жўра ФОЗИЛ

Наманган Вилояти

ЙИГИНГА БОШ, АҲОЛИГА ИБРАТ

Янгиқўрғон тумани Бекобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги бешта маҳаллада ўн беш мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Қишлоқ аҳлининг аксарияти деҳқончилик, боғдорчилик, соҳибкорлик, чорвачилик ҳамда сабзавот экинлари экиб, рўзгор тебратди.

— Оила аъзоларимиз билан томорқа ҳўжалигимизнинг икки сотих жойига иссиқхона ташкил этгандик, — дейди йиғин раиси Тўйчибой Солиев. — Иссиқхонада булғор қалампири кўчатларини етиштириб, бир миллион беш юз минг сўм даромад қилдик. Экиндан бўшаган ерни чопиб, ўрнига бодиринг эхдик. Тўйчибой аканинг хонадониди бўлди.

Ҳақиқатан ҳам ўн икки сотихдан иборат томорқа ҳўжалигида 28 туп олма, 14 туп гайноли, 4 туп ўрик, 3 туп хурмо, ҳовли саҳнида эса 4 туп узум ишқомга таралган эди. Бундан ташқари, ҳовли этагидидаги молхонада икки бош она-бола соғин сигир, бир қанча парранда борлиги ҳам эътиборимиздан четда қолмади. Хонадон соҳибаси Юлдузхон пилласи териб олинган дасталарни йиғиштириб, саранжомлаш ишлари билан овора эди.

Маҳалла — оилавий бизнес маркази

— 20-умумтаълим мактабиди дарс бераман, — дейди Юлдузхон. — Мактаб, уй юмушларидан бўшаганимда томорқадаги ишлар билан шуғулланаман. Томорқа ишларига фарзандларимиз Моҳира, Шоҳида, Абборжонлар ҳам ёрдамлашади.

— Ўтган йили томорқа еримиздан икки тоннадан ортик картошка, 3 тонна олма, бир тонна гайноли, 200 килограммдан ортик хурмо каби мева-чева-ларни йиғиштириб олгандик, — дейди Тўйчибой ака. — Эл-юртга дастурхон эзиб, тўй қилдик. Тўй харажатларини томорқадан келган даромад эвазига қолладик. Яратганга шукр, яқинда набиралик бўлди. Бу тўй устига тўй дегани.

Тўйчибой Солиев оиласи ана шундай эл-юрт маъмурчилигига муносиб ҳисса қўшаётган оила.

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

Самарқанд Вилояти



ТУПРОҚДАН МЎЪЖИЗА ЯРАТИБ

Ўргут азалдан ўзининг уста-хунармандлари, кулолу темирчилари билан доврўқ қозонган. Бу хунарлар бободан отага, отадан ўғилга, устоздан шогирдга ўтиб, ўз таровати ва нафосатини йўқотмай келяпти.

— Боболарим — Абдулла кулол, Тўхтамиш кулол, Ҳожи кулол, Хидир кулол, Облоқул кулол ва Маҳкам кулоллар замонлар оша ўз хунарларини авлоддан-авлодга етказиб келганлар, — дейди уста кулол Нўмон Облоқулов. — Уларнинг давомчиси сифатида мен ҳам ушбу хунарни фарзандларим Иномжон ва Муҳаммадларга етказяпман — ўргатяпман. Бир қараганда халқ амалий санъати ичида кулолчилик унчалик оғир хунардек туюлмайдик. Аммо ҳар бир касбнинг ўзига яраша машаққати бўлади. Баъзида битта оддий кўзани ясаш учун ҳафтаб вақт сарфлашга тўғри келади. Сабаби, тупроқни танлаш, унга оби-тобида ишлов беришнинг ўзи кунлаб вақтини олади. Тайёр бўлган маҳсулотга безак бериш ҳам санъат. Шу боисдан, бу хунар эмас, балки санъат дегим келади.

Яна бир гап. Фақатгина қадимги йўналишлар билан чекланиб қолган кулолнинг

келажаги йўқ. Сабаби, барча касбда ҳам изланиш, янгилик бўлгани маъқул. Шу сабабдан, фарзандларим билан қадимий кулолчилик анъаналари билан бирга замонавий йўналишларда ҳам маҳсулотлар тайёрлаб бораёلمиз. Шунинг самараси ўлароқ, яқинда «Келажак овози» танловларида ўғилларим муваффақиятли иштирок этишди. Уларнинг ишлари нафақат вилоятда, балки танловнинг республика босқичида ҳам муносиб баҳоланди. Мехнатнинг роҳати бор, деб бежизга айтилмаган. Бир пайтлар биз хунармандларга умуман эътибор йўқ, тайёрлаган маҳсулотларимиз тумандан четга чиқмасди. Шундай бўлса-да, умидсизликка тушмай, ота-бобомиз ардоқлаган касбнинг этагидан кўйиб юбормадик.

Шу касб орқали дунёнинг турли мамлакатларида нуфузли анжуманларда қатнашдим. Эл назарига, эътиборига тушдим. Буларнинг барчаси Пре-

зидентимиз томонидан хунармандчиликка қаратилаётган катта эътибор, яратилган қулай шароит, шунингдек, имтиёз ва имкониятлар самарасидир. Шунинг учун миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз акс эттирилган хунармандчилик маҳсулотларини нафақат ўзимизда, балки чет элликларга ҳам намойиш этаёلمиз ва қатор ютуқларга эришяпмиз.

Биргина мисол, ўтган йили дўстим — Самарқанд шахрилик кулол Шариф Азизов «Ташаббус — 2011» кўрик-танловининг мамлакат босқичида ғолиб бўлди. Касбдошим кўрик-танловнинг олтин медали ва Президентимиз совғаси «Spark» автомобили қалитини олаётганида қувонганимдан кўзимга ёш келди. Сабаби, бу йиллар давомида машаққатли касбни эъзозлаб келатган минглаб кулолларга қаратилган эътибор, уларнинг меҳнатига берилган юксак баҳо эди.

Ақбар ҚАРШИЕВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

Хоразм Вилояти

МАДИР ТАНДИРИНИНГ УСТАСИ

Иброҳим Оллабергановга кулолчилик отамерос хунар. Хунармандчиликка қаратилаётган эътибор уни янада руҳлантирди. Иброҳим ака оилавий тадбиркорлиқни йўлга қўйди.

— Аввало, тандир ясаладиган лойнинг тупроғини танлаш билиш лозим, — дейди Иброҳим ака. — Ҳар қандай тупроқ ҳам кулолчиликка ярамайди. Биз тупроқни қишлоғимиздан 30 километр узоқликдан — Чикирчи қишлоғидаги Қорақум этақларидан оламиз. Келтирилган тупроқ махсус хандада лой ҳолига келтирилиб, 3 кун давомида дам олдирилади. Кейин сомон билан қориб, яна бир кун сақланган, бешинчи кун фанер устида яхшилаб текисланиб, обдон пиширилгандан сўнг тандир ҳолига келтирилади. Агарда лой ерга ётқизилса, у бошқа тупроқни ўзига тортиши

натижасида унинг сифатига путур етади. Пухта ишланган тандир 20 йилча хизмат қилади.

Хонқа тумани Мадир қишлоғи кулоллари кўлида сайқал топган тандирларга нафақат шу ернинг ўзида, балки қўшни вилоятларда ҳам харидорлар кўп.

Иброҳим ака укаси Қувондиқ Оллаберганов ва 2-3 нафар шогирди билан кунига 4-5 та тандир ясайди. Тандирларнинг бозори чаққон. Даромад ҳам ошиб бормоқда. Рўзгор обод. Хунарни санъатга айлантирган инсон эл олқисини олади.

Холмурод ҚУРБОНОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

Қашқадарё Вилояти



ПЕДАГОГЛАР ОИЛАСИ

Қаҳҳор Ҳайдаров ва Талъат Гаффорованинг оила қурганига 50 йил бўлди. Қаҳҳор ака 45 йиллик педагог. Қарши педагогика коллежиди ёшларга педагогика фанидан сабоқ берган. Педагогика фанлари номзоди. Оила бекаси ҳам ушбу соҳада 45 йилдан буюн самарали фаолият кўрсатиб келади. Қарши давлат университети доценти.

Оиланинг тўнғичи Олия педагогикни танлади, Шоира ва Улуғбек иқтисодчи, Илҳом инженер-технолог. Икки келин ҳам педагог.

СУРАТДА: Қаҳҳор Ҳайдаров ва Талъат Гаффорова фарзандлари даврасида.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

Жиззах Вилояти

ОИЛА — МУҚАДДАС ҚЎРҒОН

ОИЛАНИНГ ЎЗИГА ЯРАША ҚОНУН-ҚОИДАСИ, БАЛАНД-ПАСТИ, ОФИР-ЕНГИЛЛИГИ БОР. ЎША ҚОИДАЛАРГА РИОЯ ЭТГАН КИШИЛАРГАГИНА МУСТАҲКАМ ОИЛА НАСИБ ЭТАДИ.

Жиззах тиббиёт коллежиди бирга ўқиб, бир-бирини ёқтириб қолишган А. исмли йигит ва Н. исмли қиз бир-бирларига нисбатан ишончи, ваъдаси сабабли қонуний никоҳсиз, шаърий никоҳ билан оила қуришди. Тўйдан кейинги 4-5 ой тотув, иноқлик билан ўтди. Бирок...

Йигитнинг хонадониди ота-онасидан ташқари турмуши бузилган икки фарзандли онаси ва синглиси биргаликда яшарди. Аёллар ўртасида «деди-деди», миш-мишлар кундан-кунга кучайиб борди. Ҳар сафар жанжал чиққанида

опа укасига «Хотинингнинг жавобини бериб юбор, қизларнинг уруги қуриб қолгани йўқ», дерди. Севиб турмуш қурган Н. куёвнинг севгисига ишониб, эркалик ёки ёшлик қилибми «Майли, жавобимни беринг», дейдиган, аразлаб отасиникига тез-тез кетиб қоладиган одат чиқарди. Бир неча бор ялиниб, қайтариб олиб келган куёв, кунларнинг бирида яна шундай жанжалнинг устида «Жавобингни бердим», дея қатъий қарорини билдирди.

Қонуний никоҳи бўлмаган эр-хотин уйламай айтилган бир оғиз гап оила

тотувлигига қанчалик раҳна солишини кечроқ тушунишди. Келин ҳомиладор ҳолида нарсаларини олиб, отасиникига боришга мажбур бўлди.

Фарзанд туғилгачгина келин боласига оталиқни белгилатиш ва ҳужжат олиш учун ФХДЕ бўлимига мурожаат этди.

Йигитнинг ота-онаси билан дилдан, самимий суҳбатлашди. Турмуш икки-чикирлари, ҳаётнинг баланд-пастига ҳақида гаплашиб, ўзаро фикрлашди. Натижада ҳаракатларимиз зое кетмади. Эр-хотин ўзларига тўғри ҳулоса



чиқариб, қилмишларидан пушаймон бўлишди. Ёшлар яраштирилиб, никоҳлари қонуний қайд этилди. Фарзандларига туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома расмийлаштирилди. Шу тариқа оила сақланиб қолди.

Ёдгорой ХИДИРОВА,
Арнасой тумани ФХДЕ бўлими мудираси.



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА

I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори, Пахтачи тумани ҳокимининг 2012 йил 1 майдаги №241-Қ сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер майдонларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи қўйилмоқда:

1. «Кийим тикиш ва таъмирлаш» биноси куриш учун Пахтачи тумани «Зиёвуддин» ШФЙ, А.Темур МФЙ ҳудудида жойлашган, майдони 190,0 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 62 141 сўм;

2. «Маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси» биноси куриш учун Пахтачи тумани «Султонобод» ҚФЙ, Гўрули қишлоғи ҳудудида жойлашган, майдони 1200,0 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 392 472 сўм;

3. «Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси» биноси куриш учун Пахтачи тумани «Қўйбоқ» ҚФЙ, Қоратепа МФЙ ҳудудида жойлашган, майдони 520,0 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 170 071 сўм;

4. «Маиший хизмат кўрсатиш ва савдо дўкони» биноси куриш учун Пахтачи тумани «Зиёвуддин» ШФЙ, А.Темур МФЙ ҳудудида жойлашган, майдони 225,0 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 73 588 сўм;

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Пахтачи тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов қолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2013 йилнинг 15 августигача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан бюртмаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йилнинг 6 июль кuni соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда қатнашиш учун бюртманомани берилишидан олдин «Танлов ташкилотчиси» билан тузиллаган закатал келишувига асосан, ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи минимал қийматининг 10 фоизи миқдорига закатални закатал келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада қўрсатилган банк ҳисобрақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг тақлифлари қайд этилган конвертлар Пахтачи тумани Зиёвуддин шаҳарчаси, Истиклол кўчаси 58-уй, Пахтачи тумани ҳокимлиги биносидида 2012 йилнинг 9 июль кuni соат 11:00 да очилади ва 2012 йил 9 июль кuni соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносидида танлов қолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов тақлифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов қолиби деб топилади.

Юқоридаги ер майдонларидан фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йилнинг 9 июль кuni сотилмаган тақдирда, мазкур ер майдонлари юзасидан такрорий танлов савдолари 2012 йилнинг 24 июль ва 7 август кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини маълум қилинади.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш 2012 йил 23 июль ва 6 август кунлари соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов иштирокчиларининг тақлифлари қайд этилган конвертлар Пахтачи тумани Зиёвуддин шаҳарчаси, Истиклол кўчаси 58-уй, Пахтачи тумани ҳокимлиги биносидида 2012 йил 24 июль ва 7 август кунлари соат 11:00 да очилади ва шу кунлари соат 16:00 да танлов қолиби аниқланади.

